

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»

Кузатув кенгаши Раиси

Ш.Х.Шерматов

2022 йил 11 август



«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги

Молия вазири ўринбосари

О.Р.Исаков

2022 йил 16 сентябр Р0021-27-сон



М.Ў.

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»  
ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ**

Идентификация рақами берилди: 

R	U	1	2	7	P	0	0	2	1	R	8
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган **3 306 000 000** (уч миллиард уч юз олти миллион) дона номинал қиймати **121** (бир юз йигирма бир) сўмлик ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар **ёпиқ обуна** усули билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши **йигирма еттинчи** чиқарилишдир.

АТ «Алоқабанк» Кузатув кенгашининг 2022 йил 11 августдаги **44** - қарори билан акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор тасдиқланган.

АТ «Алоқабанк» Кузатув кенгашининг 2022 йил 11 августдаги **44** - қарори билан акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: **100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй. Тел.: 71-230-77-77, 71-232-83-67, 71-232-83-73. Электрон почта манзили: info@aloqabank.uz.**

АТ «Алоқабанк»  
Бошқарув Раиси:

К. Ирисбекова

Бош бухгалтер

У. Пулатов



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **Оддий акциялар.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **Хужжатсиз шаклда.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **121 сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона) - **3 306 000 000 (уч миллиард уч юз олти миллион) дона.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **400 026 000 000 (тўрт юз миллиард йигирма олти миллион) сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- акциядорлар реестрига киритилиш ва ўзи ҳақида депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш ва уни эркин тасарруф этиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;
- банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида ўз вакили орқали иштирок этиш, ўз вакилини исталган вақтда алмаштириш ёки унда шахсан иштирок этиш;
- банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мос равишда мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва банк Устави билан белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олинишига нисбатан жамият уставидаги ва(ёки) чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Банкнинг овоз берувчи акциялар эгаси бўлган акциядорлари чиқарилаётган акцияларни ўзларига тегишли бўлган шу турдаги акцияларга мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эгалар.**

**Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин, ушбу чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан чиқарилаётган эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялар “Ўзбектелеком” АК жойлаштирилади.**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **951 054 837 293 (тўққиз юз эллик бир миллиард эллик тўрт миллион саккиз юз ўттиз етти минг икки юз тўқсон уч) сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **7 859 957 333** дона, шундан:

- ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акция – **7 841 957 333** дона;
- ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция – **18 000 000** дона.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Банк томонидан хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 100 000 сўм бўлган 120 000 дона фоизли корпоратив облигациялар жойлаштирилган. Шу жумладан:**

**2010 йилнинг 22 июлида эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 100 000 сўм бўлган 30 000 дона фоизли корпоратив облигациялар P0848-рақам билан давлат рўйхатига олинган. Ушбу облигациялар сўндириш муддати келганлиги сабабли Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2015 йил 18 сентябрдаги 15-07/169-сонли қарорига асосан сўндирилган.**

**2011 йилнинг 4 ноябрида эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 100 000 сўм бўлган 30 000 дона фоизли корпоратив облигациялар P0848-2-рақам билан давлат рўйхатига олинган. Ушбу облигациялар сўндириш муддати келганлиги сабабли Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2016 йил 18 декабрдаги 15-07/055-сонли қарорига асосан сўндирилган.**

**2012 йилнинг 5 ноябрида эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 100 000 сўм бўлган 30 000 дона фоизли корпоратив облигациялар P0848-3-рақам билан давлат рўйхатига олинган. Ушбу облигациялар сўндириш муддати келганлиги сабабли Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2017 йил 18 декабрдаги 15-07/034-сонли қарорига асосан сўндирилган.**

**2013 йилнинг 26 мартада эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 100 000 сўм бўлган 30 000 дона фоизли корпоратив облигациялар P0848-4-рақам билан давлат рўйхатига олинган. Ушбу облигациялар сўндириш муддати келганлиги сабабли Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2016 йил 7 сентябрдаги 15-07/040-сонли қарорига асосан сўндирилган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

*(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).*

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна йўли билан имтиёзли ҳуқуқ қўлланилган ҳолда, “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясига жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби).*

*Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади).*

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 (уч юз олтмиш беш) кун давомида жойлаштирилади.**

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот ва қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзли ҳуқуқни амал қилиш муддати тўғрисидаги билдиришнома оммавий ахборот воситаларида

эълон қилинган кундан бошлаб 11 (ўн биринчи) куни. Агар бу муддат ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, жойлаштиришни бошлаш санаси охириги ариза келиб тушган кундан кейинги иш кунидан бошланади, бунда жойлаштиришнинг бошланиш санаси эълон ва билдиришнома берилган кундан бошлаб 10 (ўн) кундан кам бўлмаслиги лозим. Агар жойлаштириш санаси дам олиш кунига тўғри келса, банкнинг ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун кейинги биринчи иш куни жойлаштириш санаси ҳисобланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан 365 (уч юз олтимиш беш) кундан ортиқ бўлмаган муддатда.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

*(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.*

*Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:*

*тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*

*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охириги томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.).*

Ушбу чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда банк Уставига асосан акциядорларга акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати 10 (ўн) кунни ташкил этади. Акциядорлар билан имтиёзли ҳуқуқни қўллаган ҳолда акцияларни жойлаштириш амалга оширилган тақдирда биржадан ташқари уюлмаган бозорда тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битим тузиш орқали амалга оширилади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати туганидан кейин биржадан ташқари уюлмаган бозорда “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси билан банк ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш бўйича андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

**Қимматли қоғозлар Марказий депозитарий тўғрисида маълумот:**

номи - Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси Давлат корхонаси;

жойлашган жойи ва почта манзили – 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй; телефон: 71-267-37-42; лицензия – мавжуд эмас; ташкилий-ҳуқуқий шакли – Давлат унитар корхонаси.



Банк томонидан чиқарилган давлатга тегишли акциялар бўйича эгалик ҳуқуқларини ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан бошқа акциядорларга тегишли акциялар бўйича эгалик ҳуқуқи қуйидаги инвестиция воситачилари амалга оширилади:

**«ALP OMAD INVEST»** Масъулияти чекланган жамияти

Манзили: 100070, Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси, 2-уй;  
телефон: 71-233-62-73; факс: 71-233-62-73; расмий веб-сайт: [www.stockinvest.uz](http://www.stockinvest.uz);  
электрон почта манзили: [info@stockinvest.uz](mailto:info@stockinvest.uz).

**«MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI»** Акциядорлик жамияти

Манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй;  
телефон: 71-233-62-73; факс: 71-267-35-20; расмий веб-сайт: [www.ndvakt.uz](http://www.ndvakt.uz);  
электрон почта манзили: [info@ndvakt.uz](mailto:info@ndvakt.uz).

**«BIRINCHI BANKLARARO DEPOZITARIY»** Масъулияти чекланган жамияти

Манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқлол кўчаси, 15-уй; телефон: 71-233-29-07; факс: 71-233-06-52; расмий веб-сайт: [www.bbd.uz](http://www.bbd.uz);  
электрон почта манзили: [bbd\\_1@mail.ru](mailto:bbd_1@mail.ru).

**«PORTFOLIO INVESTMENTS»** Масъулияти чекланган жамияти

Манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй;  
телефон: 71-267-75-75; расмий веб-сайт: [www.piamg.uz](http://www.piamg.uz); электрон почта манзили: [info@piamg.uz](mailto:info@piamg.uz).

**«DEPO INVEST TRAST»** Масъулияти чекланган жамияти

Манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 6-уй, 87-хонадон;  
телефон: 78-150-39-53; факс: 78-150-39-53; расмий веб-сайт: [depintra.uz](http://depintra.uz); электрон почта манзили: [depintra@mail.ru](mailto:depintra@mail.ru).

**«TOSHKENT INVESTITSIYA MAJMUU»** Масъулияти чекланган жамияти

Манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй;  
телефон: 71-268-44-22; расмий веб-сайт: [www.tashinvestkom.uz](http://www.tashinvestkom.uz); электрон почта манзили: [tashinvestkom@mail.ru](mailto:tashinvestkom@mail.ru).

**«DALAL STANDARD»** Масъулияти чекланган жамияти

Манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй;  
телефон: 71-268-04-01; факс: 71-268-06-04; расмий веб-сайт: [www.dalal.uz](http://www.dalal.uz);  
электрон почта манзили: [dalal\\_depo@mail.ru](mailto:dalal_depo@mail.ru).

**«NEFTGAZDEPOZIT»** Масъулияти чекланган жамияти

Манзили: 100015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 26-уй, 1-хонадон;  
телефон: 71-129-77-66; факс: 71-150-20-20; расмий веб-сайт: [www.neftgazdepozit.uz](http://www.neftgazdepozit.uz);  
электрон почта манзили: [neftgazdepozit@mail.ru](mailto:neftgazdepozit@mail.ru).

**«FREEDOM FINANCE»** Масъулияти чекланган жамияти

Манзили: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-Б уй;  
телефон: 78-147-75-55; расмий веб-сайт: [www.ffin.uz](http://www.ffin.uz); электрон почта манзили: [info@ffin.uz](mailto:info@ffin.uz).

**«NAYMON INVEST CONSULTING»** Масъулияти чекланган жамияти

Манзили: 100015, Тошкент шаҳри, Озодлик кўчаси, 21-уй, 10-10А хонадон;  
телефон: 71-232-01-45; расмий веб-сайт: [www.naymon.uz](http://www.naymon.uz); электрон почта манзили: [naymon-invest-consulting@mail.ru](mailto:naymon-invest-consulting@mail.ru).

**«HD CAPITAL»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **170119, Андижон шаҳри, Бобур шоҳкўчаси, 53-уй;**  
телефон: **74-235-35-39;** расмий веб-сайт: [www.hdcapital.uz](http://www.hdcapital.uz); электрон почта  
манзили: [info@hdcapital.uz](mailto:info@hdcapital.uz).

**«SAMO-RS»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **170119, Андижон шаҳри, Бобур шоҳкўчаси, 7Б-уй, 4-хонадон;**  
телефон: **74-227-95-28;** расмий веб-сайт: [www.bk67.uz](http://www.bk67.uz); электрон почта манзили:  
[samo\\_rs@mail.ru](mailto:samo_rs@mail.ru).

**«KAPITAL-DEPOZIT»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **100052, Тошкент шаҳри, Оқкўрғон кўчаси, 25-уй;**  
телефон: **74-286-20-32;** факс: **74-286-20-31;** расмий веб-сайт: [www.kapdepo.uz](http://www.kapdepo.uz);  
электрон почта манзили: [kapdepo@mail.ru](mailto:kapdepo@mail.ru).

**«LEADER FINANCE»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-квартал, 74-уй;**  
телефон: **71-277-83-62;** расмий веб-сайт: [www.leaderfinance.uz](http://www.leaderfinance.uz); электрон почта  
манзили: [leaderfinance@bk.ru](mailto:leaderfinance@bk.ru).

**«TAT REESTR»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **100047, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси 1-уй;**  
телефон: **71-232-01-45;** расмий веб-сайт: [www.tat-reestr.uz](http://www.tat-reestr.uz); электрон почта  
манзили: [tat-reestr@mail.ru](mailto:tat-reestr@mail.ru).

**«TCIAR DEPO»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **100077, Тошкент шаҳри, Чуст кўчаси 2-А-уй;**  
телефон: **71-262-76-61;** расмий веб-сайт: [www.ciardepo.uz](http://www.ciardepo.uz); электрон почта  
манзили: [ciardepo@mail.ru](mailto:ciardepo@mail.ru).

**«SILK CAPITAL»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси 59-А-уй;**  
телефон: **71-237-04-78;** расмий веб-сайт: [www.silkcapital.net](http://www.silkcapital.net); электрон почта  
манзили: [info@silkcapital.net](mailto:info@silkcapital.net).

**«PREMIUM FINANCE»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **100020, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 40-уй;**  
телефон: **98-125-54-44;** расмий веб-сайт: [www.ipfgroup.uz](http://www.ipfgroup.uz); электрон почта  
манзили: [info@pfgroup.uz](mailto:info@pfgroup.uz).

**«ONLINE BROKER INTERNATIONAL»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6 квартал 22-уй,  
37- хонадон;** телефон: **71-203-66-77;** расмий веб-сайт: [www.broker.uz](http://www.broker.uz); электрон  
почта манзили: [info@broker.uz](mailto:info@broker.uz).

**«YES INVEST MANAGE»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси 65-уй;**  
телефон: **71-200-09-37;** расмий веб-сайт: [www.yesinvest.uz](http://www.yesinvest.uz); электрон почта  
манзили: [info@yesinvest.uz](mailto:info@yesinvest.uz).

**«FARGONA VAQT»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **150100, Фарғона шаҳар, Маърифат кўчаси 22-уй;**  
телефон: **73-244-14-16;** расмий веб-сайт: [www.fervaqt2.zn.uz](http://www.fervaqt2.zn.uz); электрон почта  
манзили: [jarred92@list.ru](mailto:jarred92@list.ru).

**«SAMARQAND VAQT»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **140157, Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдони 1-А-уй;**  
телефон: **66-233-96-66;** расмий веб-сайт: [www.samvaqt.uz](http://www.samvaqt.uz); электрон почта  
манзили: [samarqandvaqt@mail.ru](mailto:samarqandvaqt@mail.ru).

**«NAVOIY VAQT»** Масъулияти чекланган жамияти  
Манзили: **210100, Навоий шаҳар, А.Темур кўчаси 4-уй;**  
телефон: **79-244-15-07;** расмий веб-сайт: [www.navoivaqt.uz](http://www.navoivaqt.uz); электрон почта  
манзили: [navoi\\_vaqt@mail.ru](mailto:navoi_vaqt@mail.ru).

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

*(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).*

**Банк акцияларини олишда имтиёзли ҳуқуқга эга акциядорлар рўйхати 2022 йил 11 август ҳолатига шакллантирилган банк акциядорлари реестри маълумотлари асосида тузилади.**

Банк акцияларини чиқариш тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган ўз акциядорларига акцияларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда жойлаштирилади.

Билдиришнома матнида жойлаштирилаётган акциялар сони, жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорнинг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш муддатлари ва уни амалга ошириш тартиблари тўғрисида маълумотлар бўлиши шарт.

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишнинг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) кунни ташкил этади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддатидан аввал жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим этилиши керак.

Акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*

*Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*)

**Қўшимча чиқарилишидаги акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган нарҳда жойлаштирилади. Акциялар жойлаштириш нарҳи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нарҳлар конъюнктурасидан келиб чиққан банк Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.**

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).*

*Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:*

*баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)*

**Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Акциялар бўйича тўловлар пул маблағлари билан нақд ва нақдсиз шаклда амалга оширилади. Акциялар учун тўланаётган нақд пул маблағлари банкнинг барча кассалари орқали қабул қилинади.**

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: **Қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган акцияларни жойлаштириш муддати тугаган санада (ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан 365 (уч юз олтимиш беш) кундан ортиқ бўлмаган муддат) ушбу қўшимча чиқарилаётган акцияларнинг 60 фоизидан кам қисми жойлаштирилган тақдирда акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилади, акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда, акциялар учун тўланган пул маблағлари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида акциядорларга тўлиқ қайтариб берилади ҳамда банк томонидан белгиланган тартибда акциялар чиқарилиши амалга ошмаганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабар берилади.**

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

**Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси ва нусхалари билан Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 4-уйда жойлашган АТ «Алоқабанк»нинг Бош офисида танишиш мумкин.**

**Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ошкор этилиши лозим бўлган маълумотлар акциялар чиқарилиши давлат**



рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўрнатилган муддатда Корпоратив Ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)), «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) эълон қилинади, ҳамда АТ «Алоқабанк»нинг интернетдаги саҳифасига жойлаштирилади. Саҳифа манзили: [www.aloqabank.uz](http://www.aloqabank.uz).

13. Бошқа маълумотлар.

Банк рўйхатдан ўтказилган сана ва рўйхат рақами – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1995 йил 22 мартда 48-рақам билан Давлат рўйхатидан ўтган.

Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2021 йил 25 декабрда берилган 48-сонли банк амалиётларини амалга ошириш лицензияси асосида олиб бормоқда.

13.1 Асосий фаолият йўналиши ва ишлаб чиқариш (хизмат) турлари - **Банк фаолияти;**

13.2. Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – **Акциядорлик жамияти;**

13.3. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар: КТУТ хос рақами (ОКПО) – **15587940**; ИФУТ бўйича асосий фаолият тури (ОКЭД) – **64190**; МШТ бўйича мулкчилик шакли (КФС) – **144**; ТХШ бўйича ташкилий-ҳуқуқий шакли (КОПФ) – **153**; Манзили (МХОБТ бўйича тўлиқ хос рақами) (СОАТО) – **1726273**.

13.4. Банк солиқ органининг номи ва СТИР – **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро Давлат солиқ инспекцияси, СТИР: 200829053.**



Бошқарув Раиси \_\_\_\_\_ К.Н.Ирисбеков

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ У.Ш.Пуллатов

Саналган, тикилган

9 (Түккіз) варақ

*[Handwritten signature]*